



# Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 23 ноябрь  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 238 (2800)

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда Франция ташқи ишлар вазирлигининг Франкофония ва ҳамкорлик масалалари бўйича вазири Шарл Жоселен раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ташриф аввалида делегация аъзолари мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашууда Ўзбекистон — Франция ҳамкорлиги самарали кечаётгани ва халқаро масалаларда икки давлатнинг нуктаи назари бир-бирига жуда яқин экани таъкидланди. Бу эса ҳар томонлама алоқалар ривожига учун муҳим.

Музокарада ўзаро ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги вазият ҳамда Афғонистон халқига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида ҳам бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## ЗАМОНАВИЙ

## ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ



### Термизнинг 2500 йиллигига



### бугун мамлакатимиз жанубий сарҳадидаги йирик шаҳар — Термиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда

Бу иншоот аслида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тўғрисида тўёна бўлди. Замонавий усулда, Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида барпо этилган маъмурий вокзал биноси бир-кеча кундузда 500 нафар йўловчига хизмат кўрсатади. Бунинг учун бу ерда барча қулайликлар муҳайё этилган.

СУРАТЛАРДА: янги темир йўл вокзали биносининг умумий кўриниши; ишчи-хизматчиларнинг руҳи тетик, кайфияти баланд; бино ичкараси ана шундай кенг ва ҳашаматли.

И.ХҲҲАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

### Яна бир гап

## ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Термиз шаҳри кейинги пайтларда дунё харитасида алоҳида белгиладиган, жаҳон оммавий ахборот воситаларида тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Боси, дунё ҳамжамияти томонидан жафохаш Афғонистон халқига юборилган инсонпарварлик юкларининг қарий ярми Термиз дарё порти орқали ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати-нинг инсонпарварлик юкларини мамлакатимиз худудидан ўтказишга рухсат берганини барча тинчликсевар халқлар мамнуният билан қутиб олди. БМТнинг жаҳон озиқ-овқат дастури вакили Майкл Хиггинс эътирофига, юкларнинг Термизга ҳаво йўллари орқали келтирилиб, омборхоналарда вақтинча сақланиши, сўнгра баржаларга юкланиб, дарёнинг нариги соҳилига ўтказиб берилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Дастлабки 400 тонна ун кўшни Афғонистоннинг Хайратон портига етказилганда урушдан зада бўлган оламнинг хурсандчилиги чексиз эди. Мана шундан буён инсонпарварлик юкларини нариги соҳилга кетма-кет жўнатиб турилибди. Англия, Франция, Германия, Дания каби давлатлардан, ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси, Буюк Британиядаги "Болаларни қутқариш" халқаро жамғармасидан юборилган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар иссиқ кийим-кечалари, кўрпа, совун ва бошқа хўжалик моллари юкланган баржалар тиркалган кемалар Хайратон портига бориб келмоқда.

— Биз афғон халқига инсонпарварлик юкларини етказиб, оғир кунларини енгиштиришга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз, — дейди кема капитани ёрдамчиси Абдулла Чориев. — Тезроқ бу юртда тинчлик ўрнатилиб, узилиб қолган бордини келдирилмиш тиклансин.

Чори ТҲҲАЕВ, ЎзА мухбири.

## ТУҲМАТ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

NTV.ru ўзининг Интернет сайтида кунни кеча тарқатган хабарга кўра, Ўзбекистон гўё ўз ҳарбий аэродромларидан АҚШ ҳарбий самолётларига фойдаланиш учун рухсат берган эмиш...

«Миш-миш»дан одамлар безди. Аслида «яна бир миш-миш-да», деб қўя қолсақ бўларди. Лекин бу «миш-миш» шунчаки «миш-миш» эмас-да. Ва «миш-миш»ларнинг уч-кети кўринмаётгани ҳам бежиз эмас-да. Уни бир ҳамкасбим заҳарли вирусга ўхшатганди. У ўзидан-ўзи кўпайиб, кета-вераркан. Шундай экан, бепарво ҳам бўлсақ тўғри келмайди. «Миш-миш» урчиб, кўпайиб бўҳтон, тухматни туғдиради. Бўҳтон ва тухматнинг бўлмиш-турмуши эса — касофат. «Миш-миш»дан иккита мақсад бор. Биринчиси — мамлакат ичкарасида ваҳима уйғотиш, фуқароларни чалғитиш бўлса, иккинчиси — Ўзбекистонни ёлгончига чиқариш ва унинг халқро-мо майдондаги мавқеини пасайтириш...

Президенти Баёнот орқали ўз нуктаи назарини очиб билдирган бўлса ҳам худди шулар бизнинг осмонда АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари парвоз қилиб юганини «башорат» қилишмаганмиди? Худди шулар гўё Ўзбекистон АҚШ учун битта эмас, учта аэродромини берди, деб гап тарқатмаганмиди... Буларнинг

### Шарҳловчи нигоҳи

ҳаммаси камлик қилгандай, етимларнинг бошини силаган, оғзидаги бир бурда нонини улардан аямган Шоҳмад ота ва Баҳри ая руҳларини чирқиллатган ҳам худди шулар эмасмиди? Нега улар бизга бунчалик ёпишиб олишди? Нега булар устма-уст «миш-миш» ва бўҳтон тарқатишяпти? Йўқ, бунга шунчаки кўл силтаб қўйиб бўлмайди. Эки кимларгадир Ўзбекистон бугун бутун жаҳоннинг назарида экани, ўз танлаган йўлидан дадил бораётгани ёқмаяптими-кан... Лекин нима бўлса ҳам бефарқ қараб бўлмайди, бунга.

Вақт олий ҳакам, дейдилар, орадан шунча вақт ўтди, ўша «миш-миш»ларнинг қайси бири

орқаларига қайтиб кетишди. Япон журналистининг гапи қулоғимда: «Мен Термизда уруш авжига чиққан бўлса керак, деб ўйлагандим, лекин бу ердаги ҳаётни кўриб, одамларни кўриб қўзларимга ишонмадим...» Кўрдимизми, «миш-миш»нинг қудратини. Бир «миш-миш» ўнлаб мамлакатларнинг журналистларини бир кундаёқ Термизга олиб келиб қўйди. Шундай экан, унга бефарқ қараб бўладими? Демак, бу ҳам кимларгадир керак.

Ўзбекистон ўз сўзида собит турибди. Бунинг исботини бугун бутун жаҳон кўрмоқда. Ўзбекистон аввалбошдан битта ҳарбий аэродромига АҚШнинг транспорт самолёт

ва вертолётлари қўниши учун рухсат берган. Қолаверса, бу аэродромни уларнинг ихтиёрига бутунлай беришни ваъда қилгани йўқ. Бу самолёт ва вертолётлардан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Ўзбекистон аввалдан очик айтган: бизнинг худудимиздан Афғонистонга қарши на ердан, на бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди. Очик гап яна қандай бўлсин?!

Ўзбекистон ўз сўзида собит турганининг яна бир исботи шундаки, Термизга кун ора гоҳ автоуловда, гоҳ самолётда гуманитар ёрдамлар келиб турибди. Термиз портидан Афғонистон халқига озиқ-овқат, кийим-кечак юборилапти. Афғонистон халқи бундан хурсанд, тинч-омон кунлар келаятганидан бошлари осмонда. Улар юкларни хўшқайфият билан қабул қилишяпти. Ўзбекистон улар учун саховат эшиги янглиғ. Чехраларидаги шодонлик шундан. Улар бугун Ўзбекистонга мутлақо бошқача кўз билан қарашмоқда... Эҳтимол, худди ана шу нарса ҳам кимларгадир ёқмаётгандир, юрагиди ҳасад ўтини ёқаётгандир...

Дуога кўл очилса, сув балоси, ўт балоси... деб жами «бало»лар қаторида «қуруқ тухмат балосидан ҳам асрагин» дейилади.

Қуруқ тухматдан ўзи асрасин! Биз эса оғоҳ бўлайлик!

Исмаил ХУДОЕВ.

## Президент асарлари билимдони

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли умумтаълим мактабларида «Президент асарлари билимдони» танловини яқунлашти. 2-республика кўптармоқли педагогика лицейининг 10-синф ўқувчиси Насиба Худойберганова танловда ғолиби бўлди. У энди танловнинг шу йил 12-14 декабрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган якуний босқичида қатнашади.

А.Ортиқбоев, ЎзА мухбири.

## ТАСИС ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ЮТУҚЛАР ҲАМ, РЕЖАЛАР ҲАМ УЛКАН

Европа Иттифоқининг МДХ мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш дастури — ТАСИС Ўзбекистонда қўлбўйишларини муваффақият билан амалга оширмоқда. Тошкентда унинг навбатдаги — «Аграр» — «Лэнд милд» консорциуми билан ҳамкорликда ижро этилган «Хўжалиқда сугорни ва бош-

қарув» лойиҳасининг якунлари бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Табрида Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ТАСИС, Европа Иттифоқи комиссияси, мамлакатимиз илмий доиралари вакиллари, фермерлар иштирок этди. Ўзбекистонлик соҳа мутахассислари ҳамда ТАСИС

вакиллари таъкидлашча, лойиҳа ўзини тўла оқлаган, эришилган натижалар хўжалик бошқаришда, хуусан, сувдан фойдаланишда муассасавий, мамурий ва техникавий чораларни оқилона бirlаштириш фойдали эканини яққол намойн этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Обуна — 2002

## КЕЧГА ҚОЛГАН АРМОН ҚИЛУР

Агар Сиз 2002 йилни «Халқ сўзи» газетасисиз қарши олсангиз:

- Мамлакатимизда жорий этилаётган ислохотлар одими, янгиланиш самаралари ҳақида бохабар бўлмайсиз;
- миллий истиқлол гўясини халқона тилда тушунирувчи мақолаларни ўқий олмайсиз;
- энг муҳими, парламент қабул қилган қонун ва ҳужжатларга энг биринчи эга бўлмайсиз, улар ҳақидаги шарҳлардан баҳраманд бўлолмайсиз.

## ДЕМАК, «Халқ сўзи»сиз яшаш — халқ дардсиз яшашдир.

Қандай хулоса қилиш ўзингизга ҳавола.

### «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришча, кеча АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистоннинг Кундуз, Қандаҳор ва Пакти шаҳарларидаги толиблар истеҳкомларини яна бомбардировка қилган. Хабарда айтилишча, бу гапни ҳарбий амалиётлар олдингиларига нисбатан кенг қўламада ўтказилган. Маълум бўлишича, шундан сўнг Қундузда қуршовда қолган толиблар маъмуриятнинг ҳақ тўлаб қилишига розилик берган.

«Вашингтон пост» газетасининг хабарига кўра, «қора сешанба» воқеасидан сўнг ўтган қарийб икки ярим ой ичида террорчилар рақамлари Ўзбеда Бин Ладин билан алоқадор бўлган 360 нафар киши дунёнинг 50 га яқин мамлакатда ҳибсга олинган.



Кунни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистондаги барча сийбӣ гуруҳларни 26 ноябрда Берлинда бўладиган учрашувга таклиф қилган эди. Бироқ кенгаши хабарларига қараганда, учрашув жойи Берлиндан Бонн шаҳрига қўчирилган. БМТ шафқатлигида ўтадиган маъмуриятда муваққат ҳукумат тузиш масаласи айтилмоқда. Кузатувчилар бўлажак тадбирга аввалдан юқори баҳо бермоқда.

CNN телекомпаниясининг хабарига кўра, Коминтерннинг 194 йилги юбилейига қарашли кўнун ижроси юзасидан тайёрланган маълумотларига қараганда Фарғона вилоятида Оила кодекси талабларининг бажарилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, вилоятдаги умумий аҳолининг 43,6 фоизини воғна етмаганлар ташкил этса, шундан 0,7 фоиз (8593 нафар) васийлик ва ҳомийлик органлари ҳимоясига олинган. Мавжуд 3 та «Меҳрибонлик уйи», 9 та махсус мактаб-интернатларида болаларнинг яшашини ва ўқини учун етарли шароитлар яратилган. Айниқса, Қўқон

Россия Президенти Владимир Путин мамлакат ҳукуматининг Россия армиясини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган таклифига розилик билдирди. Унга кўра, Россия армияси учун хизматта чакриқлар босқичма-босқич бекор қилиниб, шартнома босқичида хизматга ўтилади.

«Коммерсант» газетасининг хабар беришча, кеча «Янги Озарбайжон» партияси ўз сўзида мамлакат раҳбари Г.Алиевни ушбу партия етакчиси этиб сайлаган. Бундан ташқари, партия аъзолари Г. Алиевни 2003 йилда мамлакатда бўлиб ўтадиган президентлик сайловида энг мақбул номзод сифатида ҳам кўрсатган.

Шу кунларда Дания ҳукуматининг вазирлик портуфеллари кимларга тегишли билан боғлиқ тафсилотлар Европада энг муҳим воқеалардан бири сифатида баҳоланмоқда. Гап шундаки, бундан уч кун аввал мамлакатда ўтказилган парламент сайловида Даниядаги либерал партиянинг галаба қозониши нотижада бош вазирлик курсини маъмурият партияси раҳбари Андерс Фог Расмуссен қўлга киритган эди. Маълумотларга қараганда, ҳозир Даниядаги турли партиялар томонидан мамлакат ҳукуматини қўридан жой олиш учун бўлаётган ҳаракатлар авжга чиққан.

«Франс-пресс» агентлигининг маълум қилишча, кеча Исроил мудофиа вазирини мулозимлари Фалестин худудидан Женин шаҳридан ўз ҳарбийлари олиб чиқаришга ишора қилди. Бу сўз билан айтганда, Янги Шеридон бўғини ваъдат боши берк қўчага кириб қолган, деиндаги айна хабарда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Олий Мажлис сессияси олдида

# НАВБАТДАГИ ҚОНУН

Биргина Фаргона вилоятидаги 519 мингдан зиёд омонатчининг манфаатини ҳимоя қилади, — дейди Халқ банки вилоят бошқармаси бошлиғи Илҳомжон АКРАМОВ.

— Халқ банкида фаолият кўрсатаётганимга чорак асрдан ошди. Рости, шу ўтган йиллар ичида бизга ўз маблаглари, жамғармалари, омонатларини ишониб топширган фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган қонун ишлаб чиқарилишини орзу қилиб кутаётган эдик. Мана узоқ йиллардаги орзуимиз рўёбга чиқадиган кўринади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинадиган бўлди.

Банкимиз тармоқдаги энг кекса молияси муассасалардан бири. Фуқаролар ўз омонатларини асосан бизнинг банкимизда сақлашга одатланиб қолишган. Биргина Фаргона вилоятида бизнинг хизматимиздан 519 минг-

ўртага ташламоқчиман. Агар юқоридаги таклиф ўз ифодасини топса, мuddатли омонатларни шартнома бўйича биринчи белгиланган фоииз ставкаси билан ўзгармаган ҳолда омонатчиларга қайтариб беришнинг имконияти ҳам туғилар эди.

Секунда-аста банк тизимида индексацияли омонатларни амалиётга жорий этиш масаласига ҳам кўпроқ аҳамият берилляпти. Шу сабабдан инфляция даражасини ҳисобга оладиган ва омонатчиларнинг омонатлари бўйича қутилаётган йўқотишларни қоплаш имкониятини берадиган индексацияли омонатларни жорий этиш масаласи ҳам янги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топса, аҳоли жамғармалари оқимининг банкка кўпроқ келишига, инфляциянинг салбий таъсирини қайтаришга имконият туғилар эди. Албатта, бу қабилар анча мунозарага сабаб бўлиши ҳам мумкин. Лекин халқимизда ҳақиқат баҳсда турган, деган яхши гап бор. Фойдала мунозаралар лойиҳасида эса қонунларимизнинг янада муккамаллашиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР ёзиб олди.

Республика таълим марказида Халқ таълими вазири, Сорос жамғармаси ҳамда Буюк Британиянинг «Болаларни кўтаринг» ("Save the children") халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-назарий анжуман очилди.

## Халқаро илмий-назарий анжуман

Унда дефектолог олимлар, махсус мактаб-интернатлар ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари ҳамда бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлардан мутахассислар қатнашмоқда.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Ахлиддинов анжумани очар экан, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга, меҳр-мурувватга муҳтож ёшлар, айниқса, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар саломатлигини тиклаш, уларнинг жамиятга ўз ўрнига эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хозир фаолият кўрсатаётган 84 та махсус мактаб-интернатда тарбияланаётган болаларга уч мингдан зиёд маблака тарбиячи таълим мазмуни янада такомиллаштириш, инклюзив таълимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда махсус жисмоний ва руҳий тарбияга муҳтож болалар ёлғизликда эмас, балки ўз тенгдошлари билан ёнма-ён билим олиб улғаяди.

Уч кун давом этадиган анжуман иштирокчилари пойтахтимиздаги махсус мактаб-интернатлар тажрибаси билан танишади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.


Конституция сабоқлари

## ОЛТИНЧИ САБОҚ: ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Бу бўлим Конституциямизнинг асосий қисmini ташкил этиб, 76-модданга 126-моддагача бўлиб, жами 9 бобдан иборатдир. Дастлабки, XVIII боб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» деб аталиб, мамлакат парламентининг ҳуқуқий асосларини ифода этган. Дарҳақиқат, Олий Мажлисимиз олий давлат вакил-лик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. 78-моддада Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари (жами 24 та) ифода этилганки, уларда Ўзбекистон парламенти қандай қарорларни қабул қилиши, қайси ҳужжатларга ўзгартишлар киритиши, қандай маъсул лавозим эгаларини сайлаши, ҳуллас, қатор бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақли эканлиги аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси қандай ваколатларга эга эканлиги 85-моддада 13 банддан иборат кўрсатиб берилган. Шунингдек, шу бўлимда Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қай тартибда фаолият юритишлари кўрсатилган.

XIX боб эса «Ўзбекистон Республикасининг Президентидек» деб аталиб, жами 9 модданга иборатдир. Бу ўринда мамлакатнинг давлат ва ижро этивчи ҳокимият бошлиғи қандай ваколатларни зиммасига олганлиги муфассал кўрсатилган. Албатта, мақола ҳажми барча моддалар хусусида тўлиқ тўхталишга имкон бермайди. Ўрни келганда Президент қасамдди ҳақида сўз юритсанда, бу билан Юртбоши зиммасида қандай залворли юк турганлигини тасаввур этсак, 92-модда қуйидагича баён этилган: «Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамдди қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунарига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президентини зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга татнанаги қасамдди қиламан».



Асосий қонунимизнинг охириги олтинчи бўлими «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» ҳақида. Унда Конституцияга ўзгартиришлар парламент аъзоларининг қараридан ўтказилган икки қисмдан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилиши кўрсатилган.

Шундай қилиб, мана газетамизнинг бир неча сонида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини арахлаб чиқдик ва унга ўрнига бўйича фикрлашдик. Албатта, ҳар ким ўз Ватанининг Бош қонунини яхши билиши керак. Бу баланлариз гап эмас. Мамлакатимиз Президентидек бу масаланинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаш учун бир таққос келтирган эдилар. Узимиз ўйлаб кўрайлик: Конституциянинг, қонунини билган, тушунган аждо билан ишлаш осонми ёки қонунлардан беҳабар одам биланми? Кейинги ҳолда бир ёшининг кетидан ўн та одам овера бўлади-ку!

Шу босдан ҳам ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ўзганини ангаган одамларгина фойдали билан ола интилади, инки имкониятларини ишга солиш ҳақида фикрлайди. Шундай экан, Конституцияимизни билиш ҳар биримизнинг ҳам эҳтиёмимиз, ҳаётий заруратимиз.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида Конституциянинг ҳар бир мамлакатнинг паспортига таққослашади. Модеммик шундай экан, биз узимиз яшаётган мамлакат паспортини яхши билмасдан унинг фуқаросини, асосан деишига ҳаққимиз борми? Албатта, йўқ. Конституция эса узимиз яшаётган жамиятнинг Асосий қонуниди. Худди шу ҳужжат ўша мамлакат фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликлар беради, буларни билмади. Агар биз уларни билмасак, қандай қилиб ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилишимиз? Зеро, Ўзбекистон дунёдаги кўпلىб ривожланган давлатлар каторидан жой олиши учун биз Конституциянинг пухта эгаллашимиз керак.

Шўҳрат ЖАББОРОВ.



## «НЕКСИЯ» УЧУН ШИНАЛАР

Поп туманидаги «Наманганина» корхонаси ишга туширилиши билан вилоятдаги қўша корхоналарнинг сони 78 тага етди. «Ўзбекистон ўрамлик том ёпиш ишлари» ҳиссадорлик жамияти ва Буюк Британиянинг «Британининг оверсис техноложид LTD» компанияси муассислигида ташкил этилган ушбу корхонада импорт ўрнини босувчи махсусот — энгил автомобиллар ишаси тайёрланади.

Шу тўрдаги махсусот тайёрлаш бўйича мамлакатимизда ягона ҳисобланган «Наманганина»да 50 киши учун янги иш ўринлари яратилди. Бу бизнес режанинг дастлабки босқичи тадбирлари. Унинг кейинги босқичида қишлоқ хўжалик машиналари учун ишлаб чиқариш режаси тадбирлари.

«Наманганина»да техноложик молиялар ҳаракати қамраб олинган «ЎЗДЭУ» автономнинг юмушларини енглаштиради. Эндилликда «Нексия» автомобиллари учун хориждан олинган шиналар миқдори кескин қамаяди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона ишчиси Эркин Боймирзоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Коллеж ёшларни бағрига олади

Яккабоғ туманидаги қурилиш-саноат коллежи 900 талабани ўз бағрига қабул қилиш арасида турибди. Мазкур ўқув даргоҳи жаҳон андозалари талабларига мос бўлиб, талабалар учун барча қудайликларга эга. Бу ерда қурилиш-саноат мажмуи учун ўн икки йўналиш бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Коллеж ёнида 500 ўринли ётоқхона қурилиши ҳам поёнига етай деб қолди.

Эдилбек қишлоғи кўрғига кўрк қўшган ушбу билим масканида «Комил инсон» бурчаги ташкил этилган бўлиб, ундан ўзининг ҳаёт йўли билан барчага ўрнак бўлган юртдошларимизнинг суратлари ҳамда фотоальбомлар ўрин олган.

«Туркистон-пресс».

## Мулоҳаза

муассасалари — университет ва институтларнинг ёшлари нечун 1917 йилдан кейинги давр билан ўлчамми? Қадимий маданият тарихига эга бўлган халқнинг маориф ва таълим маданияти ҳам қадимга бориб тақалади. Мамлакатимиздаги таълим даргоҳлари, хусусан мадраса ва мадрасани олия-

нинг IX-X асрларданок самарали фаолият кўрсатилганлиги маълум. Сўз мадрасалар ва уларнинг таълим тизимиди ҳақида етук қадрларни тайёрлаш ҳолатида мавқеи ҳақида кетар экан, Амир Темир ва темирчилик, хусусан Мирзо Улугбек мадрасали олииси мажмуасининг алоҳида аҳамиятига эга эканлигини таъкидлаш керак. Чунки Мирзо Улугбекнинг 1420 йилда ўз фа-

қуридаги сўзларида катта ҳикमत ва ҳақиқат бор: «Жаҳоннинг барча худудларидан илм тилаб, маорифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интиладилар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди. Халқимиз, шу жумладан Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қиладиган меҳнати, фан ва маданият намояналарининг изланишлари Соҳибқирин давридаги ўша оламшумул ишларнинг уз-луксиз давомидир.» Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Самарқанддаги Алишер Навоий номидаги давлат университети ана шу буюк аждодларимиз, хусусан Мирзо Улугбек мадрасали олиа мажмуасининг асл воқисифида фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўзининг таъсис этилиш сана-си — тарихини ҳам бу ултувор даргоҳ фаолияти бошланган тарих, яъни 1420 йил билан бошлангани масаласини ўрганиш керак, деб ўйлайман.

Сорбонна ёки Кембридж университетларидан таширф бўлган ҳамкор-ҳанқасабалирини университетларимизда кутиб олганганда ҳақиқат равишда қадимий олий таълимнинг тарихи билан фахрланишга асосимиз бек эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ҳол бежиз эмас. Чунки хорижий мамлакатлар, жумладан Европанинг машҳур университетлари таъсис тарихи-ларини ҳам ўша мамлакатлардаги семир-нирилари билан бошланган мулоҳазаларимиз тасдиқлайди. Ваҳоланки, биздаги университетлар ўз замонасининг энг улуғ дорилфунунлари воясидир.

Р.ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори.

# ДОРИЛФУНУНЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИ

бўлган Ўзбекистон олий таълим муассасалари неча ёшда?

дини рўҳда эди: талабалар илоҳий мав-зудаги мусикдан бошқаси билан шу-ғулланишадилар.

XVI асрда мамлакатда таълим ва дин соҳисида қатор ўзгаришлар юзга келди, Генри VIII янги коллежлар туздан ва бирча янги ўқув юрталари асосий бир мақсдади —миллий черковлар учун руҳонийлар тайёрлашни кўзлаб ташкил қилинди.

олиятини бошлаган мадрасали олиа мак-муаси таълим-тарбия ҳақида илмий-тад-қиқотлар маркази —расадхонани ўз ичи-га қамраб олганлиги билан бошқалардан ажрвали туради. Бу ерда «Зижи жа-диди Қўрагоний» яратилди. Ҳам нақ-лий, ҳам ақлий илмлар, хусусан ҳан-даса, риёзиёт, нуҷумшунослик ўқитил-ди ва бу соҳаларнинг етук мутахассис-лари тайёрланди. Фикримизнинг исбо-ти учун машҳур аллома Али Қушчи ва Мавлоно Абдурахмон Жомийларни эс-латиб ўтишимиз ўзи кифоя.



